

ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАР АНИҚЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ

ЎзДЖТСУ магистранти Ш.А.Шаймардонов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ўз маърузаларида, “Ёшларимизнинг мустакил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошлирига ҳеч кайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол тоғини, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, деб таъкидлаб ўтгандилар.

Дарҳакикат, юртбошимиз Ш.М. Мирзиёевнинг ташабbusи ва бевосита раҳбарлиги остида жисмоний тарбия ва спорт миллат генофондини шакллантириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш воситаси сифатида давлат сиёсатининг устивор йўналишлари доирасидан жой олмоқда. Мамлакатимизда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонун (2015, янги таҳрири) қабул қилинди, “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5368сон Фармони (2018 йил 5 март), “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-3031-сон Фармони (2017 йил 3 июнь). каби Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ҳукумат Қарорлари қабул қилинди.

Ушбу концептуал хужжатлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида улкан ислоҳатлар, бекиёс бунёдкорлик ишларини амалга ошириш имкониятини яратди. Сўнгги йиллар ичida юртимиз ҳудудларида, ҳатто узоқ қишлоқ ва туманларда ҳам кўпдан-кўп замонавий спорт ишшоатлари барпо этилди ва айни кунда улар фарзандларимиз, ҳалқимиз хизматида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт турларини ривожлантириш билан бир каторда, “кatta” спорт мавқенини кўтаришга ҳам устивор аҳамият каратилмоқда. Йилдан-йилга Республикаизда ҳалқаро ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобакаларни ўтказиш анъанавий тадбирлар таркибидан жой олмоқда. Ўзбек спортчилари Осиё, Жаҳон ва Олимпия мусобакаларида юксак натижаларга эришиб, юртимиз шуҳратини жаҳон хамжамияти олдида тараннум этиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ватанимизнинг юксак спорт ютуқларининг мавқени ҳалқаро мусобакаларда ракобатчиликнинг кескинлашиши, ҳамда мамлакат миллий терма жамоалари спортчилари авлодларининг алмашиши қонуний жараёни хозирги даврда спорт танлови ва истиқболли ёшларни тайёрлашнинг илмий асосланган тизимларини такомиллаштириш зарурлигини белгилаб беради.

Волейбол ўзининг ҳаммабоблиги, камҳаражатлиги, гўзал ўйин мазмуни, каттаюқичик диккатини ўзига ром қилувчи хўжум ва химоя комбинациялари билан юртимиз шаҳар-қишлоқларида, маҳаллаю-масканларда, тўй ва байрамларда бахс-рақобат, сиҳатсаломатлик жисмоний ва руҳий баркамоллик воситаси сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Волейбол ўкув фани сифатида барча таълим муассасалари ўкув режасига киритилган, дарсдан ва ишдан ташкари вактларда фаолият кўрсатадиган спорт тўгараклари, БўйСМлар, спорт клубларида маҳсус режалантирув хужжатларига асосланган ўкувмашғулот жараёнига жорий этилган.

Волейбол билан шугулланиш учун болаларнинг харакатлар аниклигини шаллантириш билан биргаликда, техник тайёргарлик кўрсаткичлари ёрдамида аниклаш мумкин бўлмаган ўйин фаолиятига кобилияtlарнин ривожлантириш ва намоён этишга сабаб бўлувчи шахсий сифат ва хусусиятларини аниклаш алоҳида аҳамиятга эга бўлмокда.

Истеъодоти ён волейболчиларда харакатлар аниклигини шаллантириш жараёнини такомиллаштиришга ёрдам бера оладиган янгича ёндашувлар, самарали воситалар ва услубларни илмий излаш зарурияти юзага келади ва ушбу ишнимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзу бўйича қайд этилган адабиётлар таҳлили шу нарсанни эътироф этишга имкон берадики, замонавий волейбол тасвифи ва ўйин техникасида харакатлар аниклигини таснифи борасида олиб борилган илмий иш натижасида волейбол билан шуғулланаётган мактаб ўкувчилари орасида волейбол спорт тури ҳакида берилаётган назарий билиmlар борасидаги ишлар коникарли даражада эмаслиги кўзга ташланди. Шу ўринда мактаб ўкувчилари билан олиб борилган сұхбатлар натижасида ўйин техникаси таснифи борасидаги оғзаки сўровларга ҳам ижобий жавоб олинмагани кузатилди. Юкоридагилардан хulosса қиласиган бўлсак нафакат волейбол балким боника спорт турларининг ҳам назарий жихатларига керакли эътибор қаратишни кераклигини такидлаб ўтиш мумкин. Албатта жисмоний, техник ва тактик жихатдан етарли тайёргарликка эга бўлиши билан бирга назарий тайёргарлик билан ҳам шугулланиб борилса мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди.

Замонавий волейбол деб эътироф этаётганимиз спорт турининг ҳаммабоп жихатларига тўхталиб, волейбол техникасининг харакатлар аниқлиги борасида керакли билиmlарни мустахкамлаб ён авлодни тарбиянда волейбол техникасини қайси деталидан бошлани ўргатиш кўпроқ мақсадга мувофиқ эканлиги ҳакида изланишларни давом этириб, ёнларга волейбол спорт тури ҳакида билиmlаримни бериш билан бирга уларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан ватанга етук мутахассис кадрлар килиб тайёрлани йўллари аниқланди.

Харакатлар аниклиги техникаси турли вазиятларда мақсадга мувофиқ, самарали харакат килиш билан баҳоланади. Ўйинидаги ҳар бир техник усулни бажарини бир-бири билан узвий боғланган харакатларни гизимидан ташкил тонади. Харакатлар аниклиги техникаси харакат вазифаларини муайян усул билан ҳал килиш учун зарур ва етарли бўлган харакатнинг динамик ва кинематик хусусиятлари курсатиб берилди.

Техник харакатларни бажарында харакатларнинг аниклигини вакт ишкагидан маълум бир фазалари фарқланади. Одатда, харакатлар аниклигининг уч фазаси: тайёргарлик, асосий ва якунловчи фазаларни белгилаб кўйилди. Ён томонга қадамлашдан кўп холларда катта бўлмаган масофани босиб ўтиш билан тўсик кўйганда, ҳужум зарбасини кабул килинда ёки тўсикдан ўз йўналишини ўзгартириб кайтган тўнин кабул килинда фойдаланилди.